



**БЕКОБОД МЕТАЛ-
ЛУРГАРИ, ЛЕНИН
НОМЛИ СОВХОЗ
ПАХТАКОРЛАРИ-
НИНГ ВАТАНПАР-
ВАРЛИК ТАШАБ-
БУСЛАРИ КЕНГ
ҚАНОТ ЕЙСИН**

ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ БЎЛСИН

1970 йил — Жаҳон проле-
тариатнинг доҳийси Владимир
Ильич Ленин туғилганга 100
йил тўладиган юбилей йили
ҳақ хўжалиқнинг барча соҳа-
ларидаги ишчиларнинг пахта
етиштиришда ҳам рекордди
йил бўлиши керак.

Шу қўтлуғ йилда республика-
камиз бўйича тўрт миллион
элик минг тонна, областимиз
бўйича 338 минг тонна пахта
тайёрлаш юзасидан план бел-
гиланди. Бу планининг бажари-
лишини таъминлаш республика
партия ташкилотининг шараф-
ли бурчи, асосий вазифасидир.
Ўзбекистон Коммунистик пар-
тия Марказий Комитетининг
ўн еттинчи Пленуми ана
шу вазифалар юзасидан қарор
қабул қилди. «Республикада
пахтачиликни янада ривожлан-
тириш тadbирлари» тўғрисида-
ги бу қарорда асосий вазифа-
лар равиш белгилаб берилди.
Қарорда пахтадан юқори ҳосил
кўтаришнинг муҳим омиллари
— тўғриқунувдорлигини оши-
ришга, суғориш шохобчалари,
иригация-мелиорация ишлари-
ни яхшилашга, айниқса пахта-
чиликни комплекс механизаци-
ялаштириш, ҳар томонлама ривож-
лантиришга, жавоуд қишлоқ
хўжалик техникасидан мақсад-
га мувофиқ ва фойдаланиш
фойдаланишга катта эътибор
берилган.

Бугунги кунда техника деҳ-
қонинг мададкори, пахтакор-
нинг асосий иш қуроли бўлиб
қолди. Бугун оддий деҳқон
ҳам, механизатор ҳам «замон
машиналар» — дейди,
техниканинг муҳратига таяниб
иш тутайди. Эндилдики, ҳар бир
хўжалик ўзининг ер майдонига
яраша техникасига эга. Трактор,
культиватор сепка, пахта
тереш агрегатлари ва бошқа
қишлоқ хўжалик машиналари
колхоз-совхозларнинг асосий
мулк ҳисобланади. Хўжалик
азоси ўз мулкдан қанчалик
тўғри фойдаланса, уни қўз-
қоғувчи асраб, унумли ишла-
та билса, ўз вақтида ремонт
қилиб бора са шу хўжаликда ҳо-
силдорлик ҳам, даромад ҳам
кўнйилгандай бўлади. Буни
тадбиркор раҳбарлар, ўз ишти-
роқда масъул бўлиб қолган
райондаги механизматорлар жуда
ахши билишди.

Шу кеча-кундузда област-
имизнинг барча хўжаликларидан
кўклам катта таралдув қў-
рилмоқда: ери тайёрлаш, ахоб
берил, далага маҳаллий ўғит
чиқариш ишлари қизғин олиб
борилмоқда. Шу билан бирга
азамат механизматорлар устахо-
наларда техникани ремонт қи-
лиш билан банд.

Бу йил областимиз хўжалик-
ларида 10365 трактор, 2495
сепка ва қўп миқдорда борона
ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик
машиналари ремонт қилиниши
керак.

Техника ремонтга эрта
киришганда, механизматорларга
барча зарур шaroитлар яратиб
берилган хўжаликларда ремонт
ишлари анча барвақт ва му-
ваффақият билан тугалланмоқда.
Ўрта Чирчиқ районидан Охун-
бобоев номли, Терешкова номли
колхозларда ҳамма маша-
налар мавсумга тахт қилиб қў-
йилди.

Оққўрғон далаларида

НАВОИИ НОМЛИ КОЛХОЗ.
Турғун Хайитов бошлиқ ком-
лекс механизациялашган звено
пахтакорлари ўтган йили ҳар
гектар ердан 32 центнер ўрни-
га 38 центнердан ҳосил кўта-
рган эдилар.

Звено пахтакорлари бу йил

эриштирган ана шу муваффақи-
ятини мустақамлаш, ҳосилдор-
лигини 43 центнерга етказиш
учун ҳозирдан бошлаб баҳорги
экин ишларини кўчайтириб
юрбдилар. Улар ўзларига қа-
рашли майдонларини текислаш,

сув шохобчаларини тозалашни
намунали олиб бормоқдалар.
Т. ТАМБАЕВ.

«ЗАРЯ КОММУНИЗМА»
КОЛХОЗИ. Социалистик Ме-
хнат Қаҳрамони Илья Кям бош-
лиқ бригада пахтакорлари ҳо-

зирги кунда баҳорга тайёргар-
лик ишларини бошлаб юборди-
лар. Уларнинг бу йилги ният-
лари 55 гектар пахта майдони-
нинг ҳар гектаридан олинди-
ган ҳосилни 40 центнерга қў-
ришдир.

Х. АХМЕДОВ.

КАРЛ МАРКС НОМЛИ
КОЛХОЗ. Колхознинг муҳир
пахтакорларидан ҳисобланган
Исмаил Беркибоев бошчилик
қилаётган коллектив пахта да-

лаларида ҳозирги кунда дала
ишлари намунали кетишти. Де-
лага маҳаллий ва минерал
ўғит чиқариш ишлари ҳар то-
монлама ушшоқлиқ билан
олиб борилади.

Қ. САЙДИНХОУНОВ.

«ЛЕНИНБОД» КОЛХОЗИ.
Пахта ҳосилдорлигини кўта-
ришда суғориш унумли фойдала-
ниши, бунинг учун эса ариқ-зо-
нурларни ўз вақтида тозалаш
катта роль ўйнайди.

О. ХУРШАНОВ.

БҲТҲҲ ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17- йил чиқиши.

№ 31 (4278).

**13
ФЕВРАЛЬ**
ЖУМА
1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ЯНГИЙҮЛ районидagi «Коммунизм» колхозининг
аззолари кўклам экин кампаниясига ҳар тарафлама
тайёргарлик кўрмоқдалар. Трактор ва қишлоқ хўжалик
асбоб-ускуналарини ремонт қилиш, далага гўнг чиқариш,
суғориш тармоқларини тозалаб қўйиш ва шунга ўхшаш
ҳамма ишлар сифатли ўтказилмоқда. Бу ишда ёш ме-
ханизаторлардан Норхўжаев, Тошхўжаев айниқса намуна
кўрсатаётди. Суратларда: 1. Н. Тошхўжаев. 2. Далага
гўнг чиқариш пайти.

Б. Гафуров фотолари.



ПЛАҲАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Пойтахтининг 2-ун комби-
нати коллективи беш йиллик
нинг тўртинчи йили тошқирин-
ни ошириб бажарди. Маҳсулот
реализация қилиш плани 108,5
процент қилиб адо этилди. Бу
қўшимча 2 миллион 761 минг
сўмлик маҳсулот тайёрланди,
демакдир.

Меҳнатсеварлар шу йилнинг
январь ойида ҳам баракали иш-
лашди. Бундай юқори кўрсат-
киларга эришишда 1 ва 2-те-
гирмон ахлининг ҳиссалари
катта бўлди. Улар ҳомашини
тежаб-тергаб сарфлаб, унинг
ҳисобига бир неча минг сўмлик
маҳсулот бердилар.

— Ҳозирги кунда доҳиймиз

В. И. Ленин туғилган кўнинг
100 йиллигини меҳнатда муно-
сиб совғалар билан кутиб
олишга астойдил ниятланамиз,
— дейди комбинат экономисти
ўртоқ Клавдия Николаевна. —
Бешйилликнинг охири йилнинг
муддатидан олдин бажариш
учун барча имкониятларини иш-
га соламиз.

К. АФАНАСЬЕВ.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ-СОВХОЗЛА-
РИДА СУҒОРИШ ТАРМОҚЛА-
РИ ВА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ-
ЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ЮЗАСИДАН

1970 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛГАЧА

БҲЛАН МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобидан)

Районлар	Шу жумладан	Мини	Йил ичи бўлиб	Меҳнат- затини	Этабиди
Бўна	70	20	86		
Калинин	59	61	58		
Бўстонлиқ	56	5	70		
Бекобод	54	40	55		
Юқори Чирчиқ	49	—	87		
Ўрта Чирчиқ	48	34	50		
Янгийул	44	9,5	64		
Оржоникидзе	37	17	54		
Оққўрғон	37	19	46		
Область бўйича	50	20	62		

ТАШАББУС ТУҒИЛГАН ЖОЙДА

Заводга кираверишда корхо-
на юксалишини белгилувчи ди-
аграммаларга, маънавий металл-
лурларнинг суратларига,
«Беш йиллик план тошқирин-
ни муддатидан илгари бажариш»
деган шорга кўзингиз
тушайди.

Металлургия беш йиллик
планини 10 декабрда, 1970
йил планини эса 25 декабрда
бажариш, юбилей йилида меҳ-
нат унумдорлигини бир про-
центга ошириш, 150 тонна ме-
талл, 175 тонна экили, 200
минг киловатт-соат электр
энергиясини тежаш, планга қў-
шимча 100 минг сўм фойда
олиш учун цех, смена ва брига-
далараро социалистик мусоба-
қаи ҳар қачонгидан ҳам қиз-
тиб юборганлар.

Мана, 3-мартен печи. Симво-
лик суюлдиб, жилваланиб, жи-
мирлаб турган суюқ металл
печи ичида қайнай бошлади.
Буни печь тирқишидан кузатиб
турган ўрта бўйли, кенг яғрин-
ли пўлат қуювчи бармоғи билан
машинистта ниманидир ишора
қилди, қора кўзойнақни қўлга
олиб, юзларидан тер маржони-
ни артди. Бироздан сўнг ёрдам-
чисини чақирди. Унинг рўбарў-
сида қотмадан келган абжир
йигит — Тожибек Қурбонов
турарди. У оdatича:

— Газ босим етарли, печь
ҳарорати 1300 градуспен ош-
ди, — дея ахборот берди.

— Жуда яхши, — деди лаб-
ларига табассум югуриб Анвар
Тошпўлатов. Бригадирнинг кў-
ларидан қувонч балқиди ва:

— Ана ороқ заб беринг! —
буюрди у ёрдамчисига.

Тожибек бошқарув пўлати
томон югуриб кетди. Кнопка-
лардан бирини босди. Шу за-
ҳотидан улкан пенинг огир қоп-
қоқ «шнғиллаб» очилди. Атроф
ёрилиб кетди. Печи ичидаги сў-
қ металлнинг отилиб-отилиб
қайнаши кўчади.

— Етилиб қолдиқу, Анвар

— Ҳа, ана беш минутдан
сўнг тайёр бўлади. Намуна
олиб кўрайлиқчи.

Пўлат сифати кўнйилганга
эди. Ишлаб чиқариш жараёни-
нинг нормал ритм билан бори-
ши бригада аъзоларининг аниқ
ҳаракат қилаётганлигидан да-
лолат бериб турарди.

Бригада аъзолари Тожибек
Қурбонов, Камолдин Йўлдо-
шев, Ваҳобжон Шералиев каби-
ларнинг ғайрат-шижоати, маҳор-
рати туфайли ҳар бир пецда

РЕПОРТАЖ

улдусиз пўлат эритиш методи-
ни қўллаб қўшимча 11 марта-
гача пўлат эритишга эришмоқ
далар.

Томчида деңгиз акс этади
дейишганидек, А. Тошпўлатов
бошлиқ бригада коллективни
нинг фидокорона меҳнатидан бу-
тун завод металлургиянинг
ленинча юбилейи вахтасидан
гайрат-шижоати акс этиб туриб-
ди. Пўлат қуювчилар Утеп Та-
ниев, Виктор Дубов, прокат-
чилар Саид Нуриддинов, Ша-
си Нуриддиновлар етакчилик

қилаётган коллективлар ҳам
қувончи ютуқларини қўлга ки-
риштираётди.

Ҳа, бу ерда ишлаб чиқариш-
нинг ҳар бир соҳасида қувонч-
ли натижалар кўзга ташланади.
Завод иختироти раҳбарлари.

завотларининг изланиши ҳам
мағнота сазовор. Улар ўтган
йили 415 тақлиф киритишди.
Бу тақлифлардан 371 таси қа-
бул қилиниб, улардан 261 таси
ишлаб чиқаришга жорий этил-
ди.

Техника назорати бўлими
участкасининг бошлиғи Ф. За-
харов, прокат цехи бошлиғи-
нинг ўринбосари А. Бойцов,
сортларга ажратиш мастери Н.
Малиевлар ҳамкорликда про-
кат ишлаб чиқаришда янги те-
хнологияни амалга оширдилар.
Бу янгилик корхонага йилга
13 минг 148 сўм иқтисодий те-
жам бермоқда. Худди шу цехда
рационализаторлардан И. Йўл-
дошев ва Н. Ботиев ўртоқлар
киритган қимматли тақлифлар-
нинг иқтисодий фойдаси 2 минг
477 сўмдир.

В. И. Ленин номли метал-
лургия заводи ижодкорлари из-
лашишда. Таниқли иختирочи ва
рационализаторлардан инже-
нер А. Платонов, оператор В.
Пинигин, смена мастери Селю-
ков, автоматлаштириш груп-
пасининг бошлиғи А. Бекров,
кунов цехининг мастери Х. Қир-
избеков, мартен цехининг кат-
та электр механиги И. Раҳма-
тов ва бошқалар янги-янги их-
тиро ва тақлифлар устида қиз-
гин ижодий иш олиб бормоқда-
лар.

Заводдан — ташаббускор-
лар ҳузуридан кайтарамиз,
ҳароратли печьлар олдида жасо-
рат кўрсатиб ишлаётган, иш-
лаб чиқариш техникасини тако-
миллаштириш, меҳнат унумдор-
лигини ошириш йўлида излана-
ётган баҳодирларнинг фидокор-
лиги ҳаёлимиздан кетмасди.

М. РАҲМОНОВ,
Бекобод шаҳри.

АХОЛИ УЧУН

Оржоникидзе район маҳал-
лий сановат комбинатига на-
рашди маданий-маиший хўжа-
лик моллари ишлаб чиқариш
цехининг коллективи уй-рўз-
гор буюмлари тайёрлашни кў-
пайтирмоқда.

Цех ички бўлимдан иборат.
Бир бўлимда симдан норзинна
тўқилса, иккинчисда сунъий
капрондан тўр сетналар тўқи-
лади.

— Бизда кўпгина ишлар
механизациялашган, — дейди
корхона бош инженери ўртоқ
Владимир Югай, — сунъий
капронни сувоштиришдан тўртиб,
то тўқув станогига узатишгача
ҳамма ишлар механизацияга
зиммасига юкланган.

Цехдаги ишчиларнинг кўпчи-
лигини ёшлар ташкил этади.
Улар ленинча меҳнат вахтаси-
да туриб ишлаб, кунлик тошпи-
риқларини ортиги билан адо
этиляпти. Ҳар кун 250 дона-
га етказиб капрон сетна, 300
донага етказиб сим норзинна
тўқиб чиқарилмоқда.

Бу нормадагидан анча кўп-
дир. Улут санага меҳнат совға-
лари билан бориш учун кура-
шаётган цех коллективи 4 ой-
лик планини 22 апрелгача, йил-
лик тошқирини 20 декабр-
гача бажариш учун курашяпти.
Тожибой Иброҳимов, Равшаной
Қўлматова, Карима Аҳролова,
Муҳайе Икромова, Надя Аб-
думинова каби пешадам иш-
чилар кунлик тошқиринларини
140—150 процентдан бажариб,
ҳамкасбларига ўрнак бўлиш-
моқда.

И. РУСТАМОВ.

Ф. ИСАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ ШИКАСТЛАГАНИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Пре-
зидиуми 1969 йилнинг 24 декабри-
да «Юқори кучлишли электр тар-
моқларини шикастлагани учун жа-
вобгарлик ҳақида» Фармон қабул
қилди. Унда қуйидагилар назарда
тутилди:

1. Юқори кучлишли электр
тармоқлари муҳофазаси қондалари
бўлиб, унинг латкишидан бу тар-
моқларга шикаст етказилган бўлса,
ишчи-мушчиларнинг электр энергия
билан таъминлашда танлашқус содир
бўлса ва ҳақ хўжаликга зарар ет-
казилса, агар у жиноий жавобгар-
лигига тортишга сабаб бўлмаса маъ-

мурий тартибда грандлар 25 сўм-
гача, мансабдор кишилар 50 сўмга-
ча миқдорда жарима билан жазола-
нади.

2. Кранлар, экскаваторлар, транс-
портёрлар, юк ортиқчилар тарам
чилуши, катта сабариди ер қазини
ва бошқа машиналарнинг ҳайдовчи-
лари, агар улар ушбу модалда маъ-
мурий таъсир кўрсатишининг биринчи
чоралари қўрилгандан сўнг бир йил
давомида электр узатишнинг юқори
кучлишли осма ва кабелъ линия-
ларига яна шикаст етказсалар ва
юқори кучлишли электр тармоқ-
ларини муҳофаза қилиш қондалари-

ни бузиб моддий зарар етказсалар
онги ой муддат билан бу машиналар-
ни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум
этиладилар.

3. Ушбу Фармоннинг биринчи ва
иккинчи моддаларида назарда ту-
тилган қондалар бузилса жарима
ундириш чоралари меҳнаткашлар
депутатлари қишлоқ ва посёлка Со-
ветлари ҳамда уларнинг ижроия
комитетлари ёки меҳнаткашлар де-
путатлари район, шаҳар, қишлоқ
ва посёлка Советлари ижроия коми-
тетлари ҳузуридаги маъмурий но-
мисиялар томонидан қўрилади.

Электр тармоқлари икхтирида
бўлган таъшилотлардаги мансаб-
дор кишиларнинг вақонлари томо-
ндан юқори кучлишли электр
тармоқларининг шикастланганига
ҳақида тузатиш аниқ маъмурий но-
мисия томонидан шу ҳақдаги иш-
ни кўриш учун асос бўлади.

4. Юқори кучлишли тармоқлар-
га шикаст етказиш билан келти-
рилган моддий зарар қону томо-
нда белгиланган тартибда ундириб
олинади.

СОРА Тўраева Ўрта Чирчиқ районидаги 3-«Оҳангарон» совхозининг пешадам сут соғувчилари-
дан. У 17 минг килограмм ўрнига ўз боқинидаги ситирлардан 18 минг 200 килограмм сут соғиб
олишга қарор қилган. Суратда: С. Тўраева.

И. Зайнуллоев фотоси.

146 хонадон истиқомат қилаётган «Ешлик» маҳалласи аҳолиси бир-бирлари билан аҳил ва иноқ, ҳар бир ишни кенгашиб, маслаҳатлашиб бажаришади. Бунда маҳалла комитети раиси Раҳим ана Додажоновнинг хизмати қатта.



ЙЎЛЛАР, МАНЗИЛЛАР

У вагон ойнасидан лип-лип ўтиб бораётган сарваклат қайин-зордан кўзини узмайди. Саҳий табиат яратган ўзгача ва фусуқдор измайловнинг ўрмонига, шикмолда ҳарир ўрмондек қайкалиб турган даясзорларга сўкналар бокларини, ҳаёлан республикамиз боқроғларига таққослайди. Шу тоғда солдат шикели кийган йигит қаерга кетаётганини, уруш ҳаётини буткул унутган. У ўзини киндик қони тўкилган Тошкентда, унинг сўлим ва жилвағор боғлари, ҳибонлари бағрида хис этади.

Янгидан ташкил этилган 89-миномёт полки жангчиларини мингаштириб олган пўлат от эса пишкирганча ҳамон олдинга интилади. Гавирдек тешилиб кетган баланд баланд иморатлар, мажакланиб, темир-тераска айланган турли-туман тўплар, ёнқок пўчоғидек сочилиб ётган снаряд гильзалари, тўтирилган машиналар дилин ваёрон этарди.

— Ёшлигим мана шу ерда ўтган, Ҳақимжон. Қара, лавнатилар қай куйга солишибди, уни, — муштумини қисқанча юзланди уни Вася. — Мана шу кўллари билан курган эдим бу иморатларни...

Поезд хамсирганча азим рус дарёси томон ошкларди. Бугадогча ўроқ тушадиган палла ҳам яқинлашиб қолган, атроф сув қуйгандек сукунатда, поёисиз Қозоғистон чўллари саратон қуёшда...

Бағрини бериб ётади, майсалар, қовчираб, жигнаги чиқиб кетган, тирик жондан асар йўқ. Вагон ичи нисбатда қизиб кетган, жангчилар навбат-навбат ойнадан бошларини чиқариб, шамолга бетларини туттади, гимнастёркаларига қараб бўлмайдди, улар жикча хўл.

Тоғга яқин кичик бир станцияда тўхтади. Вагонларнинг тарақат-турукидан уйғониб кетган Ҳақимжон атрофга аламлилади. Енига сумка осган ҳарбийлар ўртасида полк командирини кўрди. «Нахотки, Сталинградга қийлашиб қолган бўлсак» кўнглидан ўтказди у ва нардан-бери кийим-бошини тутатган бўлиб, Васяни уйғотди.

Жангчилар вагонлардан тушиб, танга салқин шабада эсарди. Олис-олислардан араб кулоққа чалиниб турган гўмбир-гўмбир овоз фронт яқинлигидан далолат беради. Команда янгради. Полк командирини вазиятни қисқа ва пўнда тўшунтирди.

— Биздан олдин йўлга чиққан состав бомбардимон қилинган. Шаҳарга 40 километрча бор. Кўёш кўтарилгунча етиб олишимиз зарур.

Бу вақтда фашистлар Сталинград шаҳрига ёриб кирган кўча жанглири давом этарди. Душман тизорқ Волга дарёсидан ўтиб, Москвага орқа томондан айланиб ўтишга уринар, шу мақсадда фронтнинг мазкур участкасида ўнлаб армия, дивизиялар тўпланган, шаҳар кечая кундуз ҳам қуруқликдан, ҳам ҳаводан ўққа тўтилар, бомбардимон қилинган. Лекин жасур сталинградликлар ҳар

бир уй, ҳар бир тепалик, ҳар бир қарич ер учун мардонавор кураш олиб боришарди. Трактор заводида ҳамон қайноқ меҳнат давом этарди. Цех ва участкаларда йиғилган танклар ҳали совмасдан туриб тўғридан-тўғри жанг майдонига йўл олارد.

Москва ўрмонидан қайта ташкил этилган 89-гвардиячи миномёт полки шу кунгек жангга кирди. Ҳақимжон ўз расчёти билан 107-тепаликда позиция эгаллабди. Аммо, буйруқ келмагунча ўт очиб қатъий манъ этилди. Игитлар худлик билан қатъиан бута-лар орасига яшириб, ҳар эҳтимолга қарши химоя истеҳкомлари қуришга киришдилар.

Немислар гарчи баландликка жойлашган бўлса-да, бизни ва қатъиан қуришмасди. Вақти-вақти билан осмонда немис самолётлари пайдо бўлиб, арақалар ташларди. Варақаларда нималар ёзилишини биларди. Таслим бўлинглар, қаршилик қуратиш бек-фойда, қамалдасиз ва ҳоказолар, — эслайди жангчи. — Аммо 11-кишдан бирин бири позицияни ташлаб кетишини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Тепаликда 17 кун қолди кетдик...

Бундай қараганда гвардиячи младший сержант Ҳақимжон Файзуллаев бошлик расчёт чиндан ҳам душман қуришда қолган, ўз қисмидан қийинлиб, бек-дарак кетганлар қуришдан жой олганди. 18-кун тунда штаб бошлиги Кузнецов ҳамда ҳарбий врач уларга келиб қўшқиди. Атрофдан ўраб турган ўт халқиса эса тобора қисқариб боради. Душман эса айрим участкаларда мудофаа:

ни ёриб, Волга қирғоқларига чиққан эди.

Нисбат, омон-эсон дарё ёқасига етиб олишди. Неча соат сарсон-саргардон бўлиб, тўқиллар қирғоққа итқиб ташлаган ик-кита балиқ топиб, қайтишди. Балиқларни штаб бошлигининг ўзи тақсимлади. Аммо уни пишоришнинг, ўт қиқининг иложи йўқ эди. Ҳомлигича тановул қилинди.

Икки кундан сўнг яна дарё томон йўл олган Ҳақимжон тасодифан ерда ётган бир парча қозғоқ кўзи тўшди...

— Суюнчи оғайнилар, суюнчи. Жуков ва Рокоссовский армиялари биришибди, немисларни ўраб олишбди!

Чиндан ҳам тез кунда қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтиб, душманга бирин-кетин ўлим зарбаси бера бошладилар. Сталинград жанги кулролли қулиларимизнинг тўла галабаси билан яқинланди. Минглаб қисмдошлари қаби мардик ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатган ҳамшаҳаримиз Олий баш қўмондонлигининг 1942 йил 22 декабрь ҳафта 1943 — йил 23 январь фармонида бинодан икки ташаккурнома ҳамда икки «Сталинград мудофаси учун» медали билан тақдирланди.

Уруш давом этарди. Душманин қизил-қизил қувиб бораётган совет қўшинлари қатори 89-миномётчи полк ҳам Днепр қирғоғига чиқиб тўхтади. Олдинда, Днепрнинг чап соҳилида немислар мустақкам ўрнашиб олган эдилар. Минглаб тўп, замба-раклар ва бошқа ўт очиб воси-

телари дарёга йўналтирилган, устига-устак ўнлаб километрга қўзилган фронт линияси тепасида ҳаво қарқичлари парвоз қиларди. Кўприклар ваёрон этилган, дарёни кечиб ўтишдан бошқа илож йўқ эди. Аммо ҳарбий техникани! Полк командирини ташвишга солган муаммо ҳам шу эди.

— Файзуллаев, сени Анавич йўқлапти, — деди Вася Миркин ўз қатъиасига сўянганча уйдан келган хатни ўқиб турган йигитга. — Тезда борамишсан. Муҳим топшириқ бўлса керак, на зарариди.

Командир қисқа ва пўнда қилиб мақсадни тўшунтирди: — Бугун тунда ёнингга тўрт йигит олиб, дарёдан ўтасан. Сими тортиб, олма кўприк ясамасан бўлмайди. Зарур нарсалар тахт қилиб қўйилган. Вазифа нисбатда масъулиятли.

Шўх тўқиллар йигитлар тушган қайиқчани писта пўчоғидек дам у ёққа, дам бу ёққа итқитади. Изгиринли шамоқ тоқчидан усти-боши ҳўл бўлган жангчиларнинг бадан-баданга ўтиб, игне санчади. Қўл-оёқларини увишти-ради. «Проекторлар ёритиб турган поласадан ўтиб олсан, у ёғи ҳеч гапмас» кўнглидан ўтказди Ҳақимжон ва ҳамроҳларига юзланди.

— Эшак эзишини тўхтатиб, қайиқ ичига яширининг. Шу пайт осмонга ракета учир-илди. Ҳақимжон вақтини ўтказмай эгитини ечи-да сувга тушди. Немислар дарё ўртасида лапанлаб бораётган қайиқни се-

зишган бўлса ҳам эътибор бер-ишмади.

Тоғ отарга яқин эса икки томонга тортилган симага қаторига қатор қайиқлар туташтиришиб, устига тахта ташланди.

— Уша кунларни эсласан, — дейди Ҳақимжон ота қулиб, — ҳайратдан ёқамни ушлайман. Неча соатлаб сувда бўлдим. Аммо, на акса урдим на шамолладим.

Қўмондонлик Ҳақимжон бошлик жангчиларни бу ишга муқофотга тақдим этди. Файзуллаев «Днепрни кечиб ўтганлиги учун», «Жасурилиги учун» орден ва медали билан тақдирланди.

Ҳа, гвардиячи младший сержант Ҳақимжон Файзуллаев Москвадан Польша тупроғига бўлган шонли жанговар йўлни босиб ўтди. У Харков, Полтава, Кременчуг, Киев қаби шаҳарларини ёвуз душмандан озод этишда қатнашди. Урушдан қўйс тўла орден ва медаллар билан қайтди.

Ҳақимжон ота ҳозир 70 ёшга яқинлашиб қолди. Қасбиорлар соатсозлик. Қирқ йилдан бери бу ҳунар уларга ота мерос. Бобо, бобоканлари ҳам соатсозлик қилишган. Ҳақимжон ота пири-бадавлат, ували жували, табаррук оғохонларимиздан. У ана шу тинч, фаровон ҳаёт деб жанг қилган.

Я. САЛИМОВ.



Свердловска ихтисослашган болалар аптекаси очилди. Суратда: савдо ходими Э. Прокофьева иш уютида. А. Грохова фотоси. ТАСС.



МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ХАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Область Советининг ижроия комитети кунга неча ўрта Чирчиқ районидан маҳаллий Советлар меҳнаткашларининг ариза ва шикоятлари, тақлифларини кўриб чиқиш ҳолати ҳамда областдаги бир қатор маҳаллий Советларнинг ўтган 1969 йилги иш якуларини кўриб чиқди.

Область ижроия комитети шунинг алоҳида қайд қилиб ўтганини, ўрта Чирчиқ районидан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг ариза ва шикоятлари, тақлифларини кўриб чиқиш тартиби» тўғрисидаги Фармони, область ижроия комитетининг 1968 йил май ойида шу масала юзасидан чиқарган қарорини баъжариш йўлида бир қатор амалий тадбирлар қўрилган.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан олиб боришган иш якуларини меҳнаткашлар депутатлари, район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг йиғилишларида вақти-вақти билан муҳокама қилиб боришган. Бу соҳада йўл қўйилган камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Шуниси қувончлики, меҳнаткашлардан келган ариза ва шикоятлар, тақлифларни кўриб чиқиш давомида айрим қолхозларда қишлоқ хўжалиги артели Устава бўзилаётганлиги, саноат, қурилиш, савдо, маъийи хизмат кўрсатиш ва медицина муассасалари иш фаолиятидаги таъшиланди. Шу билан бир қаторда район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари иш фаолиятида йўл қўйилган ариза ва шикоятларни теъдда тўғатиш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида талабчанлик билан кўриб чиқиш, унинг ижроси устидан қатъий контроль ўрнатишга қаратилган қарор қабул қилди.



ЯНГИНЎЛ районидан Абдулла Набиев воқли мактабда машғулотлар кўргазмани қурулар ёрдамида олиб борилади. Химия фани машғулотлари ҳам қизиларли ўтади. Суратда: химия ўқитувчиси Убайдулла Орипов 8-синф ўқувчилари билан машғулот пайтида. О. Қозоқбоев фотоси.

ВИНОКОРЛАР МАРРАСИ

ПОИТАХТ биноклари юбилей йилини муваффақиятли бошлашди. Улар бу йил қўлпаў турар-жойлар, маданий-маъийи бинолар бўлиб ўтиш билан бирга 1 сентябрча 9 та мактабни ҳам қўлдан чиқаришга аҳд қилганлар.

Типовой лойиҳа асосида қад қўтарилган бу мактабларнинг барчасида илм олиш учун ҳамма қўлайликлар муҳане бўлади. Физика-химия, биология лабораториялари, спорт заллари, ошхоналар ва бошқа ўқув хоналари мактаб комплексига кире-ди.

БЕЛОРУССИЯ ССР. Могилевск синтетик тола комбинати — беш йиллигининг зарбдор қурилиши ҳисобланади. Унинг тўла ишга тушиши лавсан ишлаб чиқаришини янада қўлайтиради. Бу комбинатнинг асосий корпуси 16 гектар майдонни ишғол қилади. Суратда: йиғирувчи Валентина Кушнерова (чапда) ва Диана Осмоловскаялар янги махсулот ишлаб чиқаришини ўлаштириб олдилар.

Н. Желудович фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЮБИЛЕЙГА ТАЙЕРГАРИК

ЖЕНЕВА, 11 февраль. (ТАСС). Женевадаги халқаро проблемалар институтида В. И. Лениннинг Совет давлати ташкил этишга қардорлигидаги буюқ роли тўғрисида ўқилган лекция аўр қизқичиб билан тингладди.

Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг профессори Н. Н. Любимовнинг «В. И. Ленин ва совет дипломатиясининг дастлабки қадамлари» мавзусида ўқилган лекциясини жаҳоннинг турли қитъаларидан келган 100 дан ортқ бўлажақ дипломатлар тингладилар.

Совет профессорининг лекцияси—Совет давлати асосининг турли кунга 100 йил тўлишига бағишланиб, ҳозир Женевадаги халқаро ташкилотларда бошланган лекциялар туркумининг биридир.

ХЕЛЬСИНКИ, 11 февраль. (ТАСС). В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган ҳафталик очилди. Юбилей тадбирларининг программасида митинглар, лекциялар ўтказиш, жаҳон пролетариати дохилис тўғрисидаги кинофильмларни кўрсатиш қўзда тутилган. Буюқ сангга бағишланган лекция ва мунозаралар марксизм-ленинизмнинг давлат тўғрисидаги назарисидан тортиб марксизм-ленинизмнинг проблемалари мавзусида ўтказилади.

ЛОНДОН, 11 февраль. (ТАСС). Глазго университетиди В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган ҳафталик очилди. Юбилей тадбирларининг программасида митинглар, лекциялар ўтказиш, жаҳон пролетариати дохилис тўғрисидаги кинофильмларни кўрсатиш қўзда тутилган. Буюқ сангга бағишланган лекция ва мунозаралар марксизм-ленинизмнинг давлат тўғрисидаги назарисидан тортиб марксизм-ленинизмнинг проблемалари мавзусида ўтказилади.

Агрессорларнинг жинойтлари

ХАНОЙ, 11 февраль. (ТАСС). Америка—Сайгон ҳарбийларининг янги жинойтлари тўғрисидаги хабарлар Жанубий Вьетнамдан келиб турибди. 1969 йилнинг сентябрь ойидан ноябрь ойигача бўлган вақт ичиди, деб хабар беради Озодлик матбуот агентлиги. Уминь районини АҚШ самолётлари бомбардимон қилиш ва ўққа тутиш натижасида 700 дан ортқ киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар билан бошларидир. АҚШ ва қўғарчон армиянинг исмлари шу йил январь ойининг биринчи 15 кунини ичиди Бенче виллоятда «тезлик билан тинчлик ўрнатиш» мақсадига 13 та операция ўтказилди. Бу операциялар вақтида виллоятнинг аҳоли яшайдиган районларига 12.720 артиллерия снаряди ташлабди ва тинимсиз бомбардимон қилиб турибди. Операциялар натижасида 191 киши ўлди, 142 киши ярадор бўлибди; 107 та уй-жой яқсон қилинди.

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

АММОН, 11 февраль. (ТАСС). Бирлашган фаластин қўмондонлигининг вакили бундай деди: «Фатх» ташкилотининг партизандари 10 февральда Йордан водийсининг шимолий қисмидаги Исроил қулатиш пунктини яқсон қилдилар ва бир неча ҳарбий жамнатисини ўлдирдилар.

Худди шу кунга Фаластиннинг шу ташкилотдаги партизандари Эрих шаҳридан шимолида олиб борган 6 соатлик шиддатли жанг натижасида душманиннинг қўғина аскарлари ўлдирди ва техникасига катта талафот етказилди. Жанг зарар етказилди.

ҚАТЪИЙ ЗАРБА

ҚОҲИРА, 11 февраль. (ТАСС). МЕН агентлигининг Бирлашган Араб Республикаси қурулди кучлари вакилининг ахборотида асосланган тарғат хабарига бундай дейлади: Мисрнинг қурувчи-бомбардимончи самолётлари Ал-Балам районда жойлашган Исроил қўшинлари позициясини қули бомбардимон қилганлар. Миср ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари шу ҳужум билан бир вақтда Деверсуар райониди Исроил қўшинларининг позициясига ҳам зарба берганлар. Ҳаводан қилинган бу ҳужумлар натижасида душманиннинг қули аскари ўғани ва техникасига катта зарар етказилган. Ҳужумда қатнашган Миср самолётларининг ҳаммаси ўз базаларига бешмақаб қайтиб келганлар, дейлади ахборотнинг охирида.



1948 йилда Англиянинг Малай чағалзорларида Шотландия гвардияси батальони 25 ишчин вахшийларча ўлдирган эди. Яқинда Американинг Ассошиэтед Пресс агентлиги мазкур суратни тарқатди. 1948 йил 12 декабрда гвардиячилар жосуслик қилаётган пайтида У Чонг Хонг тасодифан тирик қолган эди. АП—ТАСС радиопотоси.



Америка ҳукумати ва унинг Сайгондаги қўғарчонлари Жанубий Вьетнамда тинч аҳоли бошга дигрин оловини ёғдираётган айбдорларнинг номини ҳамон беркитиб келмоқда. Сурат Америкада чиқарилган «Дейли Уорлд» газетасидан олинган.

